




МУҒАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИMLEНДИРИЎ

илимий-методикалық журнал № 3/2



Нөкис - 2021

МУГАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 3/2 2021 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия аъзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӨЛЕЎОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гўлнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРТАШЕВА

Шўлкемлестириўшилер:

**Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы**

Ўзбекстан Республикасы

**Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сўз хэм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00**

**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

Журналға келген мақалаларға жуўан қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шриф-тинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Ҳожиёв Р. Б., Норбоева Д.О. Ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш концепциялари	4
Ismatov U.Sh. Bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchilarini turli grafik materiallarda ishlashga o'rgatish (tempera bo'yog'i misolida)	12
Berdiyev O. Tasviriy san'at va chizmachilik darslarida o'quvchilar duch keladigan ayrim masalalarning amaliy faoliyatdagi yechimlari	15
Baymetov B.B., Xamroqulova M. Talabalarni boshshaklini tasvirlashga o'rgatishda konstruktiv qurilish qonuniyatlaridan foydalanish texnologiyalari	18
Abduxamidov S.M., Shadiyev A.Ya. Sog'lom turmush tarzini shakllantirishda jismoniy tarbiya va sportning bugungi kundagi o'rni	22
Ismatov U.Sh. Rangtasvir mashg'ulotlarida maishiy janrning ifodalanishi	25
Марасулова И.М., Зулфияев Р.Н. Ўқувчилар таълим-тарбияси жараёнида тасвирий санъат ўқитувчисининг ўрни	28
Абдуллаева Г.С. Формирование ключевых компетенций у студентов с особыми образовательными потребностями через применение ИКТ	31
Мухитдинова М.С. Нуткида оғир нуқсонли болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишларни олиб боришда мусика машғулотларининг имкониятлари	35
Султанов Х.Э., Марасулова И.М., Юнусова К.Х. Педагогик инновацион кластери: Чирчиқ тажрибасининг илк натижалари	37
Султанов Х.Э., Махмудов М.Ж. Ўқувчиларни тасвирий санъат фанига қизиқтиришдаги ўқитувчининг маъсулияти	42
Каюмов Х. А., Ко'киев В.В. Quruvchi muhandislarni tayyorlashda muhandislik grafikasi ta'limini kompyuter texnologiyasi bilan integrasiyalash	46
Махмудова М.Т. Развитие музыкальной тематики и ее актуальность в изобразительном искусстве Узбекистана	48
Марасулова И. М. Эстетическое воспитание молодежи для общества	52
Sobirov S.T. Bolalar uchun nashrlarda illyustratsiyalarning vazifalari	54
Sobirov S. T. Talabalarda yuksak axloq, kasbga sadoqat kabi insoniy fazilatlarini shakllantirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirishda to'garaklarning o'rni	59
Муратов Х. Х. Ўқув жараёнида мустикал таълими ташкил этиш ва бошқаришнинг долзарблиги	61
Атаханова С.О. Масофали ўқитиш технологиясининг чизмачиликни ўқитишдаги амалий аҳамияти	65
Атаханова С.О. Чизмачилик фани бўйича ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда муаммолар таълим технологиясидан фойдаланиш омиллари	69
Султанов Х.Э. Таълим муассасалари ҳамкорлигининг кластерли моделини ташкил этиш	73
Ко'киев В.В. Yordanchi proyeksiyalash usulidan foydalanib yaqqol tasvir qurish	76
Махмудова М.Т. Влияние музыки на изобразительного искусства	81
Махмудова М.Т. Роль и значение музыки в воссоздании изображения	85
Ко'киев В. В., Mahmudov M. J. Ijodkorlikni rivojlantirish chizama geometriya fani misolida	88
Ко'киев В. В., Qozoqboyeva D. T. Yordamchi proyeksiyalash usuli orqali yechiladigan masalalar	91

Jumayev I.O. Chizmalarni AutoCAD dasturida chizishda dasturning mavjud murakkabliklarini qo'lda chizishga moslashtirish (o'rgatish) usullari	94
Jumayev I.O. Muhandislik grafikasi fanlarida uch o'lchamli fazoni Auto CAD dasturidan foydalanib qo'llash usullari va ahamiyati	99
Xalimov M., Bekqulov Q. Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyati	102
Bekqulov Q.Sh. O'quvchilar yo'l qo'yadigan tipik xatolarni tizimga solish va prognoz qilish oldini olish choralari	105
Bekqulov Q.Sh., To'laganova H. Muhandislik grafikasi fanlarida talabalar chizma bajarishda yo'l qo'yadigan tipik xatolar	107
Bekqulov Q.Sh., To'laganova H. Chizmachilik fanidan o'quvchilarning fazoviy tasavvurini oshirishda tugallanmagan chizmalardan foydalanish	111
Bekqulov Q.Sh., Boizaqova Sh.A. Muhandislik grafikasi fanlarini boshqa fanlar bilan bog'liqligi	113
Boizaqova Sh.A., Bekqulov Q.Sh. Ko'rinishlar mavzusini tushuntrishda detal modelini o'ziga qarab o'rganishning ahamiyati	117
Анкабаев Р. Т. Тасвирий саънатда машгулотларида иллюстрация ўргатишнинг аҳамияти	120
Бахриев И.С. Бўлажак тасвирий саънат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанининг назарий асослари	122
Атажанова Р. Р. Возможности уроков изобразительного искусства в развитии творческих способностей младших школьников	126
Бахриев И.С. Бўлажак тасвирий саънат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанини ўқитилишининг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш	128
Xalimov M. Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyati	133
Achilov N. N. AutoCAD dasturi yordamida talabalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish yaqqol tasvirlarni bajarish asosida	136
Анкабаев Р.Т., Миржалилов М. Б. Тасвирий саънатда машгулотларида миниатюрани ранг тасвирини ўргатишнинг аҳамияти	141
Achilov N. N. Ko'rgazmali qurollardan foydalangan holda talabalarda ijodiy qobiliyat va dars samaradorligini oshirish yo'llari	145
Saydaliyev S.S., Nig'manov B.V., Achilov N.N. Arxitekturada inson va fazo	149
Ҳоҷиев Р. Б. Норбоева Д.О. Ёшларнинг ижтимоий қатлам сифатида мавжудлигининг онтологик асоси	155

Adabiyotlar:

1. Kukiev, B., O'g'li, N. N. & Shaydulloyevich, B. Q. (2019). Technology for creating images in autocad. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 7 (12), 49-54.
2. Achilov N.N., Ko'kiyev B. B., Bekqulov Q. Sh Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti o'qituvchi (2020). Yaqqol tasvirlarni bajarishda autocad dasturidan foydalanib loyihalash. Muғallim хам ўзлуксиз билимлендириў илимийметодикалык журнали №2 2020 ISSN 2181-7138.
3. Achilov, N. N. (2020). O'yinli texnologiyalardan foydalanib chizmachilik darslarida o'quvchilar ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish va dars samaradorligini oshirish metodikasi. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 49-60.
4. Achilov Nurbek Norboy o'g'li, Bekqulov Quдрat Shaydulloyevich, Ko'kiyev Boburmirro Baxodir o'g'li & Jumayev Isroil Omandovlat o'g'li (2020). Methods of developing creative abilities in children. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (10) Part II, 151-153.
5. Ishmuxamedov R., Abduqadirov A., Pardayev A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. – T.: Iste'dod, 2008. – 180 b.

РЕЗЮМЕ

AutoCad dasturida yaqqol tasvirlarni bajarishning ba'zi holatlari va yasashning nazariy jihatlarini keltirilgan. Shuning bilan birgalikda yaqqol tasvirlarni bajarganda ularda mavjud bo'lgan qirralarini yumoloqlash va ayrim joylarida faskalar ochishning amaliy jihatlarini ko'rsatib berilgan.

РЕЗЮМЕ

Вот несколько основных фактов о педали и о том, как ее использовать. В то же время они демонстрируют практическую закругления существующих кромок и открытия фаски в некоторых местах при выполнении очевидных эффектов.

SUMMARY

Here are some suggestions on how to look or get an appointment for autoCAD. At the same time, they show the practicalities of rounding the existing edges and opening the chamfers in some places when performing obvious effects.

ТАСВИРИЙ САЪНАТДА МАШҒУЛОТЛАРИДА МИНИАТЮРАНИ РАНГ ТАСВИРИНИ ЎРГАТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Анкабаев Р. Т.

Тошкент вилояти ЧДПИ «Тасвирий санъат» кафедраси катта ўқитувчиси

Миржалилов М. Б.

Тошкент вилояти ЧДПИ «Тасвирий санъат» кафедраси талабаси

Таянч сўзлар: тугарак машғулоти, санъат, ранглар, шакллар, миниатюра, китоббезаги, Марказий осие, эскизлар, аудиториядаги машғулоти, тасвирий санъат, иждодий тўғарак.

Ключевые слова: кружковые занятия, искусство, цвета, миниатюры, книжное оформление, Центральная Азия, эскизы, уроки в классе, изобразительное искусство, творческий кружок.

Key words: circle classes, art, colors, miniatures, book design, central Asia, sketches, fine arts, classroom lessons, creative circle.

Миниатюра – кичик ҳажмдаги расм. Лотин тилида қизил рангнинг номларидан бири, одатда қўлзмага ишланган расмлар шундай номланган. Безак ва тақинчоқларга туширилган тасвир, ушоқ тасвир деб ҳам юритилади. Талаба ёшлар таълим жараёнида юрти-миз худудидаги тасвирий санъатнинг шаклланиши тараққиёти тарихий босқичлари билан боғлиқлигини, замонавий ўқитувчи тайёрлашда тарбиявий моҳияти юксак эканлиги ҳақида билишлари учун аввало ўзимизда ривожланган тасвирий санъат турлари ва тарихи ҳақида чуқур билимга эга бўлиши талаб этилади.

Қадимдан Марказий Осиё, Миср, Хитой, Япония, Ҳиндистон каби мамлакатларда тасвирий санъатнинг анча қийин график чизмалари пайдо бўлган Миср қадимдан тасвирий санъат мактабларига эга бўлган давлатлардан биридир. Тасвирий санъат бора-

сида назарий билимларни илмий педагогик жиҳатдан талқин этиш масаласига санъат тушунчасининг ўзини таҳлил қилиш орқали ёндошиш мақсадга мувофиқдир¹.

Одамлар томонидан бирон-бир иш, нарса, буюм ва ҳақозоларнинг моҳирлик билан бажарилиши ва маромига етказиш инсон меҳнатининг санъаткорона бажарилганини билдиради. Демак, педагогларнинг ҳам ўз меҳнатини пухта, чиройли, кам-кўстсиз бажариши санъаткорлик намунаси бўлиб ҳисобланади.

Тасвирий санъат – энг қадимий ва кенг тарқалган санъат турларидан биридир. У кенг маънога эга. Ўз ўрнида ҳайкалтарошлик, рангтасвир, амалий санъат ва графика каби турларга бўлинади. Турлари ҳам ўз ўрнида яна бир қанча жанрларга бўлиниб кетади.

Тасвирий санъат тур ва жанрларини назарий жиҳатдан ўрганиш, шунингдек талаба, ўқувчиларга машғулот ёки суҳбат давомида кўргазмали куруллар орқали ўргатишнинг услубий асослари, йўл-йўриқлари методик жиҳатдан алоҳида ўзига хос алифбосига эга. Тасвирий санъат воқеаликни, борлиқни шакллар, чизиқлар, ранглар, бўёқлар суртмаси орқали маълум бир текисликда, юзада, маконда ва ҳақозалар ижодкор (ҳайкалтарош ва рассом) томонидан тасвирланадиган санъатдир. Дастгоҳ – бу асосан эркин ижодий фаолият туфайли яратилган асарлар тушунилади, уларни хоҳлаган жойга қуйиш, намойиш қилиш мумкин бўлади.

Аждодларимиз тарихи биздан қанча узоқ бўлмасин ва уларнинг диний эътиқодлари ўзига хос бўлганлигидан қатъий назар биз билан уларни боғлаб турадиган нозик кўприклар бор. У ҳам бўлса, улар яратган ажойиб санъат намуналари, уларнинг маънавий қадриятлари, умумий дунёқарашларида инсоният тафаккурининг узвий ривожланишига ўз таъсирини ўтказиб қолган тушунчалари ва билимларидир. Шунинг учун ҳам замонавий рассом ўқитувчиларни ҳар томонлама тарбиялашда, шакллантиришимизда бундай ўтмиш мерос намуналарига мурожаат қилиб туришимиз, уларни таълим жараёнида нафақат ўтмиш намунаси сифатида, балки услубий мукамал воситалар сифатида фойдаланишимиз мумкин.

Тасвирий санъат тарихида халқларнинг алоқаларини боғлаб турган Буюк ипак йўлининг ҳам таъсири катта бўлган. Халқлар ўртасидаги савдо-сотиқ алоқалари, улардаги ҳар хил асбоб-ускуна, қимматбаҳо санъат намуналари орқали ўтиши натижасида тасвирий санъатнинг уйғунлашувига олиб келиши табиий бир ҳол эди. Буюк ипак йўли орқали халқлар ўртасидаги алоқа тасвирий санъатни нафақат уйғунлашувига таъсири бўлиб қолмасдан, бир-биридан андоза олиб, бойиб боришига сабабчи бўлганини Кушонлар даврини ўрганиш жараёнида гувоҳ бўламиз.

Тасвирий санъатнинг илғор намуналари қадимий тараққий этган ўлкалар Суғдиёна (Зарафшон ва Қашқадарё вилоятлари), Бактрия (Сурхондарё, Жанубий-ғарбий Тожикистон, Шимолий Афғонистон), Парфия (Туркменистоннинг Ашхабод вилояти, Шимолий-ғарбий Эрон), Чоч (Сирдарёнинг ўрта ҳавзоси, ҳозирги Тошкент вилояти, Жанубий Қозғоғистон) шунингдек қадимги Хоразм, қадимги Фарғона ҳудудларида мавжуд бўлиб қелганини кўрамиз. Қисқаси тасвирий санъат борасида бебаҳо асарларини ҳар бир санъат ўқитувчиси билиши лозим. Чунки Ўзбекистон тасвирий санъат тарихи, унинг илғор ўзига хос анъаналарини ўқитувчилар тайёрлашдаги тасвирий санъат таълимини мазмунини бойитибгина қолмасдан, илмий педагогик жиҳатдан тўғри талқин қилишнинг моҳиятини очиб беради¹.

Ўзбекистон ҳудудига мансуб қадимги рангтасвир санъати ўзига бебаҳо намуналарга эга. Афросиёб рангтасвир санъати, Бешиктепа рангтасвир санъати, Варахша санъати

каби ўтмиш машхур рассомларнинг иш тажрибаси, билими шунингдек педагогик маҳоратини эътибор қаратмоқ лозим ва бугунги мусаввир ўқитувчиларини шаклланишида санъатимиз меросидан тўғри, унумли ва илмий асосида фойдаланишимиз жоиздир.

Биз аждодларимизнинг маданияти ва санъати сирларини қанчалик ўрганаётган эканмиз, улар қолдирилган излар аниқроқ кўзга ташланаверади. Қадимги манзилгоҳлар, улар яратган маданий-маънавий мерослар ҳақида батафсил ҳикоя қилаверади. Биз уларни яқиндан ўрганиб дунёкарашимизни бойитишимиз ва тарихий далиллар асосида тасвирий санъат методикасини янада ривожлантиришга ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Миниатюра санъатига келсак, бу санъат аввало қоғоз билан боғлиқ. Араб олими Ибн Надимнинг ёзишича, 87 ҳижрий (мелодий 706) йилда дастлаб Самарқандга келганларида қоғозсозлик корхоналарини кўриб ҳайратга тушганини, деб ёзиб қолдирган.

Бундай устахоналар Хивада, Қўқонда, Бухорода, Самарқандда, Тошкентда ва бошқа жойларда мавжуд эди. Хива хони Саид Муҳаммад ўз саройида бир қанча ҳаттотларни, мохир наққошлар ва рассомларни тўплагани маълум бўлиб, у китобга ихлос қўйган киши эди. Унинг катта кутубхонаси бўлиб, шу кутубхонада қўлёзмалар қўчирилган ва безатилаган эди. Бундан ташқари Бухоро хони Амир Олимхон саройида ҳам машхур кутубхона бўлиб, унда жуда кўп миқдорда китоблар тўпланган ва ҳаттотлар шугулланганлар. Хива мактабига мансуб Худойберган-Девон малакали уста соатсоз бўлиб у бир қанча китобларни беазаганлиги маълум. Бухорода туғилиб ўсган шоир Аҳмад Дониш (1827-29-1897) шоирлик билан бирга ҳаттотлик ҳам қилган. Бир қанча қўлёзмаларни қайта қўчириб уларга миниатюралар ишлаган. Бухоро музейида сақланаётган «Лаззати ва Нисо» китобига ишлаган 27 та миниатюраси жуда ҳам характерлидир. Бу рассом ижодий фаолияти яхши ўрганилмаган, кенг китобхонлар бу рассом билан яқиндан таниш эмас. Уни шоир деб билишадил.

Тасвирий санъатнинг тарбиявий вазифаларини юксак мутахассислик тайёргарлигига эга бўлган ўқитувчи мусаввирлар томонидан амалга оширилиши, тарбиянинг янада мазмунли бўлишига туртки бўлади. Агар тасвирий санъат орқали тарбия олиб борилмас экан, бундай таълим синида ва ўз таъсирини йўқотади.

1398 йили яратилган миниатюралар «Антигеологияси» ўз мазмунига эгадир. Бу китоб Туркиядаги давлат кутубхонасида сақланмоқда. Турон (қашқар)дан топилган Моний асарлари Самарқанд қоғозига битилганлигини тадқиқотчилар томонидан аниқлаган. Моний қадимнинг машхур рассоми бўлган. Унинг асарларидан намуналар топилган «Худудул олам» (олам чегаралари) деган X-аср график асарларида ёзилишича, монийлар (Моний таълимоти тарафдорлари)нинг Самарқандда обрў-эътибори кучли бўлиб, ҳижрий 372 (мелодий 682) йилгача ижодлари орқали катта нуфузга эга бўлганлар. Археологик ёзма манбаларга асосланиб биз Ўрта Осиё миниатюрасининг тарихи жуда қадим-қадимлардан тарқалганини айта оламиз. Бизга маълумки, Ўрта Осиёда ривожланган маданият ва санъат ўчоқлари Араб, Мўғил бошқинчилари томонидан яқсон қилинган. Албатта, Темур ва Темурийлар даврида маданият жуда равақ топиб гуллаб яшнаган. XIV-XVI асрларда Шарқ мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда ривожланган бу санъат XVIII-XIX асрларга келиб анча тушкунлик даражасини бошидан кечирди.

Ўрта Осиёда машхур рассомлар, усталар, наққошлар ва ҳайкалтарошлар ўтганлигини тарихий фактлар асосида исботлай оламиз ва Ўрта Осиёда тасвирий санъат ва миниатюра санъати бўлмаган деган баъзи даъволарни асоссиз эканлигини исбот қиламиз.

Бизга маълумки, Ўрта Осиёда ривожланган маданият ва санъат ўчоқлари Араб, Мўғил босқинчилари томонидан яксон қилинган. Албатта, Темур ва Темурийлар даврида маданият жуда раванк топиб гуллаб яшнаган. XIV-XVI асрларда Шарқ мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда ривожланган бу санъат XVIII-XIX асрларга келиб анча тушкунлик даражасини бошидан кечирди.

Самарқанд тасвирий санъат мактаби ўзига хос таҳлилни кутуб ётибди. Айниқса «Самарқанд деворидаги жанг» асари (Туркияда «Юлдуз» кутубхонасида) сақланмоқда. Бу асарларда Самарқанд тасвирий санъат мактабига хос портретлар аниқлиги ва табиат манзарасини ёрқинлиги билан миниатюраларга ўзига хос услуб бахш этган. 1441-42 йилларда номаълум мусаввирлар томонидан Мирзо Улуғбек тасвирининг яратилиш даври Ҳирот мактабидан ҳам аввалроқ Самарқандда кенг ривожланганлигининг исботидир. Айниқса, «Соҳибқироннинг бўладиган жанг олди мажлиси» миниатюра асари диққатга сазовардир.

Амир Темурнинг ҳаётлигида бошлаган бу асар унинг ўлимидан кейин ҳам давом эттирилган. Соҳибқирон Темур вафотидан кейин Самарқанд тахтини эгаллаган Халил Мирзога ҳам бағишланган бу асарнинг ниҳояси пайтида тахтга Шохруҳ Мирзо ўтирган. Аммо Ўрта Осиёдаги Самарқанд миниатюра мактабларида портрет жанр ива тарихий воқеалар баёни миниатюрчиларнинг изчил мавзусига айланган.

Самарқандлик мусаввирлар Маъсуд ибн Усманий Кўхистонийнинг Абдулхайрхон тарихи асарига чизилган «Чингизхоннинг Сирдарё соҳилларида ўз ўғилларини қабул этиши», «Газанхон Урғонда», «Абдуллахон портрет» ва Хотифийнинг «Темурнома» асарига ишланган «Темурнинг Ҳиндистонга юриши», Шарафиддиннинг Али Яздий «Зафарнома» асарига ишланган «Темур Самарқанд атрофида базми жамшидда» миниатюралари юқоридагиларнинг тасдиғидир. Самарқанд миниатюра мактабининг намоёндаларидан Муҳаммад Мурод Самарқандий, Муҳаммад Нодир Самарқандий Мир Саид Али (Табризий таҳаллусини олимлар унга бериб, Эрон миниатюра мактабига мансуб деб янглиш кўрсатма бериб келганлар, аслида эса Термизлик)лардир.

Мир Сайид Алининг отаси Мир Мансур моҳир мусаввир бўлган. Осиёдан Ҳиндистонга келиб ижодий фаолиятларини давом эттиришган.

Мусаввирлардан Муҳаммад Нодир Самарқандийнинг ўн битта асари Британия музейида, Париж ва Ленинград илмий муассасаларида, биттадан имзо чекан портретлари сақланмоқда.

Мир Саид Али ва қисман Хўжа Абдусамад мўйқаламига мансуб Темурийлар хонадони асари ҳам жуда машҳурдир. Улар Ҳумоюн, Акбар Жаҳонгир, Шох Жаҳон, Шохруҳ Мирзо, Бобур, Султон Муҳаммад ва Мироншоҳларнинг тасвирларидир. Бу асарлар Лондонда «Британия» музейида сақланмоқда.

Бугунги кунда асрлар давомида ижод қилиб келган мусаввирлар давомчиси бўлиш учун хозирги ёшлар саънат соҳасини чуқур билишлари лозим

2017 йилда Чирчиқ давлат педагогик институтиташкил этилдиди ва кўплаб кафедралар қатори Тасвирий санъат кафедраси ҳам очилди. Бугунги кунда кафедра қошида ўқувчиларни қўшимча касб ўрганиш учун тўғарақлар ҳам ўз фаолиятини бошлади. Мана шу тўғарақлардан миниатюра тўғараги жуда ҳам қизиқарли, нафис санъат эканлиги тушиниб кўплаб миниатюра асарларини яратди ва кўплаб республика танловларида қатнашиб келмоқда шулардан бири Тасвирий санъат кафедраси Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси 20.1 гуруҳ талабаси Маматқаримова Моҳира 2020 йил “Қамолиддин Бехзод издошлари” танловида республика 1-чи ўринни олди.

Ўқувчиларнинг нафосат туйғуси ва ижодкорлик қобилиятини ўстириш учун тўғарақлардан унумли фойдаланиш керак: айниқса адабиёт, музыка, тасвирий санъат, эстетиканинг бадий таълим-тарбиянинг имкониятларидан яхшироқ фойдаланишни назарда тутилади.

Хулоса қилиб айтганда умумтаълим мактаблари, санъат литсейлари ва олий таълимни ривожлантириш асосий масалаларидан бири, миниатюрани мактаб ўқувчиларига ва талабаларга миниатюра асарларини кенг ўргатиш, қидириб топиш шундай санъат асарлари мавжудлигини, ишлаш усулларини такомиллаштириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир.

Адабиётлар:

1. П. П. Шабаратов «МИНИАТЮРА» «TAFAKKUR» нашриёти. Тошкент – 2011
2. Х.Э.Султанов, Р.Т.Анкабаев Ёш мусаввир (методик қўлланма) Тошкент 2017
3. Тўғарақ машғулотида ўқувчиларнинг бадий ижодий компетенцияларини ривожлантириш методикаси Муғаллим ҳам узлуксиз билимлендириш – 2020 йил № 2. ISSN 2181-7138
4. Tasviriy san'at to'garaklarida o'quvchilariga Zomin manzarasini chizish orqali estetik madaniyatini rivojlantirish metodikasi Academic Research in Educational Sciences ISSN 2181-1385 VOLUME 1, ISSUE 2 OCTOBER 2020
5. Султанов Х.Э., Пак В.Ш., Кукиев Б.Б. Использование новых информационных коммуникативных технологий на уроках изобразительного искусства МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ научный журнал №4 2016. С-829-833;

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада умумтаълим мактаблари, санъат литсейлари ва олий таълимни ривожлантириш асосий масалаларидан бири, мактаб ўқувчиларига ва талабаларга миниатюра асарларини кенг ўргатиш, қидириб топиш шундай санъат асарлари мавжудлигини, ишлаш усулларини такомиллаштириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир.

РЕЗЮМЕ

В статье один из основных вопросов развития общеобразовательных школ, художественных лицеев и высших учебных заведений, всестороннее изучение миниатюр школьниками и студентами, поиск таких произведений искусства, совершенствование методов работы является одним из актуальных вопросов.

SUMMARY

In article, one of the main issues of the development of secondary schools, art lyceums and higher educational institutions, a comprehensive study of miniatures by schoolchildren and students, the search for such works of art, and the improvement of work methods is one of the most relevant questions.

KO'RGAZMALI QUROLLARDAN FOYDALANGAN HOLDA TALABALARDA IJODIY QOBILİYAT VA DARS SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI

Achilov N. N.

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti,

Tasviriy san'at kafedrasida katta o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: interaktiv metod, interaktiv metod, pedagogika, konsepsiya, metodika, chizmachilik, bilim, mustaqil ta'lim, innovatsiya.

Ключевые слова: интерактивный метод, интерактивный метод, педагогика, концепция, методология, рисование, знания, самостоятельное обучение, инновации.

Key words: interactive method, interactive method, pedagogy, concept, methodology, drawing, knowledge, independent learning, innovation.

Ma'lumki, darslarni tashkil etishda ko'rgazmali va tarqatmali materiallardan foydalanish muhim ahamiyatga ega. Didaktikaning asosiy tamoyillaridan biri darslarning ko'rgazmali va tarqatmaliligini ta'minlashdan iboratdir.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы Қарақалпақстан
филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ХӘМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 3-2**
Нөкис — 2021

Басып шығыўға жуўапкер:

А. Тилегенов

Баспаға таярлаған:

А. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 12.03.2021. Форматы 60x84^{1/16}

«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.

Шәртли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.

Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51

